

ҚУТУРИШ

(этиологияси, эпидемиологияси, эпизоотологияси,
клиникаси, ташхисоти, қиёсий ташхисоти, даволаш
усуллари, профилактикаси ва эпидемияга қарши
чора – тадбирлар)

- **Қутуриш (гидрофобия)** – иссиққонли ҳайвонарда учрайдиган, нейротроп вирус кўзғатадиган, касалланган ҳайвоннинг сўлаги билан мулоқот натижасида (тишлаши, тирнаши, сўлаклаши ва бошқа мулоқотлар) юқадиган, марказий асаб тизимини чуқур шкастланиши билан кечадиган ва бугунги кунда ўлим билан якун топадиган оғир зооантиропоноз, табиий ўчоқли ўта хавфли юқумли касалликдир.
- **ХКК бўйича коди:** **A 82.**

Қутуриш муаммоси

- ЖССТнинг маълумотига кўра, дунёда ҳар йили 40 мингдан 70 мингача одам қутуриш касаллигидан вафот этади
- Дунё бўйича ҳар йили 10 млн.дан ортиқ одам ҳайвонлар тишлашидан жабрланиб, антирабик ёрдамга мурожаат қилади, ҳар 15 дақиқада 1 одам қутуриш касаллигидан вафот этади
- Қутуриш касаллиги Африка ва Осиё қитъалари мамлакатларида кўпроқ рўйхатга олинади (95%)
- Ҳар йили 4 млн.га яқин аҳолига антирабик ёрдам кўрсатилади.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти ва
Ҳалқаро эпизоотик бюроси томонидан

28 сентябр – Бутун Жаҳон
қутуришга қарши кураш
куни


деб эълон қилинган

Республикада қутуриш муаммоси

- Республикада ҳар йили *одамлар ўртасида ўртача 3 – 4 та* ва ҳайвонлар ўртасида 40 – 50 та қутуриш касаллиги рўйхатга олинади
- Республикада ҳар йили 50 мингдан ортиқ одам ҳайвонлардан жабрланиб, антирабик ёрдамга муурожаат қилади
- 40 мингдан ортиқ жабрланган одам қутуришга қарши эмланади
- Қутуришга қарши антирабик препаратлар харид қилиш учун ҳар йили 1,0 млрд. сумдан ортиқ маблағ сарфланади

**Республикада қутуриш
касаллиги бўйича
ЭПИДЕМИК ВА ЭПИЗОТИК
ВАЗИЯТ**

Республикада қутуриш касаллигининг кўп йиллик маълумоти (1974-2012 й.) (мутлоқ сонда)



Ўзбекистон Республикасида 2007-2012 й.й. одамлар ўртасида қайд қилинган қутуриш касаллиги

№	Маъмурий ҳудудлар	2007й.	2008й.	2009й.	2010й.	2011й.	2012й.
1	Тошкент ш.			1	2		
2	Бухоро			1			1
3	Жиззах	2					
4	Қашқадарё		1	1			1
5	Наманган		1				
6	Самарқанд				1	1	2
7	Тошкент в.	3		1		1	1
8	Фарғона					1	
9	Хоразм		1			1	
10	Қ.Р.	1					
	ЖАМИ:	6	3	4	3	4	5

ЭТИОЛОГИЯСИ

- Қутуриш касаллигини ўзида РНК сақлайдиган, *Rabdoviridae* оиласига, *Lussavirus* авлодига мансуб бўлган нейротроп вирус кўзгатади. Вируснинг ўлчами 100 – 150 нм.ни ташкил қилади. Қутуриш вирусини икки хили тафовут этилади «кўча» ва «фиксирланган» вируслар.
- Вирус барча иссиққонли ҳайвонлар ва одамлар учун патоген ҳисобланади. Қутуришдан ўлган одам ва ҳайвонлар нерв тўқималарида Бабеш - Негри таначалари бўлиб, улар вирус колонияларини ташкил қилади.
- Қутуриш вирусини ташқи муҳитга унча чидамли эмас: қайнатилганда 2 мин. мобайнида нобуд бўлади, дезинфекцияловчи моддаларнинг одатдаги концентрациялари вирусга халокатли таъсир кўрсатиб, тезда нобуд қилади.
- Бироқ вирус паст ҳароратга чидамлидир.

ЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ ва ЭПИЗООТОЛОГИЯСИ

- **Касаллик қўзғатувчисининг асосий манба ва резервуарлари бўлиб, ёввойи йиртқич ҳайвонлар (бўри, чиябўри, тулки, кўршапалак) ва уй ҳайвонлари (ит, мушуклар) ҳисобланади. Камдан - кам ҳолларда от, йирик ва майда шохли ҳайвонлар, чўчка, сичқон ва бошқалар касаллик манбалари бўлиши мумкин**
- **Касаллик вируси ушбу касалликга чалинган ҳайвонларнинг тишлаши, тирнаши, тишларининг қадалини ва жароҳатланган тери ва шиллик қаватларга сўлакнинг тушиши натижасида юқади**
- **Қутуриш касаллиги ҳайвонлардан ҳайвонларга, ҳайвонлардан одамларга юқади, лекин мазкур касаллик одамлардан одамларга ва одамалардан ҳайвонларга юкмайди**
- **Ҳайвонларда касалликнинг биринчи белгилари юзага келишидан 10 кун олдин, улар юқумли ҳисобланади.**

ЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ ВА ЭПИЗООТОЛОГИЯСИ

(давоми)

- Қутуриш касаллигида мавсумийлик яққол кўзга ташланмасада, ушбу касаллик одамларни ҳайвонлар билан мулоқоти кўпроқ бўладиган ёз ва куз фасли ойларида руйхатга олинади
- Одамаларда қутуриш касаллигига берилувчанлик тўлиқ аниқланмаган, бироқ қутуришга чалинган ҳайвон тишлаган одам одатда ушбу касалликга чалинади
- Қутуриш асосан қаровсиз қолган итлар томонидан тишланган ва антирабик ёрдамга мурожаат қилмаганлар ўртасида кузатилади
- Бошдан, юздан, бармоқлардан олинган жароҳатлар, шунингдек чуқур, йиртилган жароҳатлар ҳам жуда хавфли ҳисобланади

Қутуриш касаллигининг резервуарлари

Ёввойи ҳайвонлар
(бўри, чиябўри,
тулки ва х.к)

Кўршапа-
лаклар

Уй ҳайвонлари
(ит ва
мушуклар)

ПАТОГЕНЕЗИ

- Қутуриш нейроинфекцион касаллик бўлиб, сўлак – неврал йўл билан ўтади. Вирус одам организмига қутуриш касаллигига чалинган ҳайвоннинг тишлаши ва сўлаклаши натижасида жароҳатланган жойдан киради. Ҳайвон сўлагидан вируслар нерв толалари бўйлаб бош ва орқа мияга етиб боради ҳамда у ерда кўпайиб нерв хужайраларини шикастайди ва нерв тўқималаридаги чуқур ўзгаришлар юз беришига сабаб бўлади. Бош ва юздан оғир жароҳатлар олинганда вирус тишланган жойдан марказий асаб тизимига 7 – 20 кун давомида етиб боради. Агар жароҳатлар оёқларда жойлашган бўлса, бу давр бир неча ойларга, хаттоки 1 – 1,5 йилгача чўзилиши мумкин. Вирус марказий асаб тизимига етиб боргач, бош ва орқа мия тўқимасига, хусусан узунчоқ мияга, аммон шохига, миянинг асосига жойлашади. Вирус марказий асаб тизимидан нерв толалари бўйлаб сўлак безига етиб боради ва у ерда кўпаяди ҳамда сўлак билан ажралади.

Клиникаси

- **Касалликда яширин давр** ўртача 1 ойдан 3 ойгача давом этади, бу давр баъзи холларда 7 кундан 1 йилгача ва ундан ортиқ хам давом этиши мумкин. Касаллик яширин даврининг муддати жарохат етказилган жойга, унинг чуқур ёки юзакилигига боғлиқ бўлади
- **Касаллик 3 босқичда кечади:**
I – бошланғич (депрессия), II – кўзғалиш ва III – фалажланиш
- Касалликнинг **бошланғич даври** 1-3 кун давом этади. Тишланган жой қичийди, тортишиб оғрийди, битган жарохат ва чандиқ такроран яллиғланиши мумкин. Бемор тушкунликга тушади, одамлар билан мулоқотдан қочади, уйқуси бузилиб, иштахаси бузилади, унда қурқув ҳиси пайдо бўлади, кайфияти ўзгариб туради. Тана ҳарорати субфебрил бўлади, эъитиш ва кўриш кўзғатувчиларига нисбатан сезгирлик ошади.

- Кейинчалик депрессиянинг безовталиқ, нафас олишнинг тезлашади, кўкрақ соҳасида сиқилиш кузатилади
- **II босқич - кўзғалиш даври** ўртача 2-3 кундан 5-6 кунгача давом этади. Беморнинг тана ҳарорати кўтарилади, қон томирларнинг уриши тезлашади, беморда гидрофобия, аэрофобия, фотофобия, акустофобия кузатилади. Беморнинг овози буғилади, бадани терлайди, сўлаги оқади, кўз қорачиғи кенгаяди, оёқ – қўллари оғрийди, кўзига ҳар нарсалар кўринади, нафас олиши юзаки ва тартибсиз бўлади, вақти – вақти билан бемор чуқур нафас олади. Мушкуллари тортишиб, талвасаланиш нафас ва ютиш мушкулларидан бошланади ва кейинчалик барча мушкулларга тарқалади, ютиниш қийинлашади. Беморни уйқуси бузилади, ўз-ўзини тишлайди, эс - хуши кирди – чиқди бўлиб қолади, кейинчалик беморнинг кўзига йўқ нарсалар кўринади, у алахсирайди.

- **III фалажланиш босқичи** - беморда гидрофобия, аэрофобия, фотофобия, акустофобия аломатлари анча камайиб, бемор тинчланади, суюқлик ича бошлайди, овқатлангиси келади, лекин тана ҳарорати юқори бўлиб қолаверади, сўзларини аниқ ва тиниқ айта олмайди. Шундан кейин оёқлар фалажи бошланади. Орадан 15-20 соат вақт ўтгач, тананинг бошқа мускуллари ҳам фалаж бўла бошлайди. Бемордан кўп сўлак оқиши давом этади, тана ҳарорати яна кўтарилади. Шу ҳолатлар давом этиб, бемор юрак-томир фаолияти етишмаслиги ёки нафас марказининг фалажи оқибатида ўлади.

Қутуриш касаллигининг ташхисоти

- Қутуриш касаллигининг ташхиси клиник, эпидемиологик маълумотлар ҳамда лаборатория текширув натижалари асосида қуйилади
- Қутуришдан ўлган бемор жасади шифохонанинг патологик анатомия бўлимида ёрилиб, орқа мианинг аммон шохидан, бош миёя ярим шари пўстлоғидан, миёядан ва узунчоқ миёядан асептика қоидаларига тўлиқ риоя қилган ҳолда, патологик материал олинади. Қутуриш вирусининг миёяда бир текис тарқалмаганлигини ҳисобга олиб, бош мианинг ҳар бир қисмидан 1,1x1,5x2,0 см ўлчамда вазни 0,3 гр.дан кам бўлмаган бўлакчалар кесиб олинади. Ушбу бўлакчалар 200 см³ ҳажмдаги стерил шиша идишдаги 50% ли глицериннинг физиологик эритмасига солинади. Консервант ҳажми олинган патологик материал ҳажмидан 10 марта кўп бўлиши керак (1:10).
- Олинган пат.намуна республика ДСЭНМнинг ўта хавфли юқумли касалликлар лабораториясига юборилади.

Профилактикаси

- Ўзбекистон Республикасида аҳолига антирабик ёрдам кўрсатиш тизимли равишда олиб борилади.
- Даволаш – профилактика муассасаларида ҳайвонлардан жароҳат олган шахсларни аниқлайди, уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиб, жабрланганларга антирабик ёрдам олиш учун ҳудудий ТТБ (ШТБ) травматология (хирургия) бўлими ёки пунктига ,уларга антирабик ёрдам кўрсатилади, шартсиз эмлаш курсни олган шахслар диспансер назоратига олинади ва аҳоли ўртасида қутуриш касаллигини олдини олиш бўйича санитария – тарғибот ишларини ўтказилади;

Қўлланиладиган терминлар:

- **Мулоқот** – одамларни ҳайвонлар томонидан тишланиши, тирналиши, тишларини баданга қадалиши ва сўлаккланиши;
- **Тишланиш** – ҳайвонларнинг тишлаши, тирнаши, тишларининг баданга қадалиши натижасида одам териси ва шиллик қаватлари бутунлигини бузилиши билан кечадиган турли хилдаги жароҳатлар;
- **Сўлаккланиш** – ҳайвонлар сўлагини одам териси ва шиллик қаватларига тўғридан – тўғри тушиши, шунингдек сўлакни айрим жисмлар орқали баданга тегиши;

- **Якка тишланиш** – ҳайвонлар томонидан одам баданини бир жойидан бир марта тишланиши ва ажралган сўлакни жароҳатга тушиши;
- **Кўп жойидан тишланиш** – ҳайвонлар томонидан одам баданини икки ва ундан ортиқ жойларидан тишланилиши;
- **«А» тоифадаги тишланиш** - қутуриш касаллиги лаборатория усулида тасдиқланган ҳайвон томонидан тишлаш натижасида одамларга етказилган жароҳат;
- **«В» тоифадаги тишланиш** – қутуриш касаллигининг клиник белгилари намоён бўлган ҳайвон томонидан тишлаш натижасида одамларга етказилган жароҳат;
- **«С» тоифадаги тишланиш** – қаровсиз қолган ҳайвонлар томонидан тишлаши натижасида одамларга етказилган жароҳат;
- **«Д» тоифадаги тишланиш** – маълум бўлган ҳайвонлар томонидан тишланиши натижасида одамларга етказилган жароҳат;

- **Гуруҳли тишланиш** – ҳайвонлар томонидан маълум бир вақт давомида 3 нафар ва ундан ортиқ шахсларни тишланиши;
- **Антирабик ёрдам** - ҳар қандай ҳайвон тишлаши, тирнаши ва тишининг баданга қадалиши ҳамда сўлаккланиши натижасида олинган жароҳатлар бўйича тиббий ёрдамга мурожаат қилган фуқароларга кўрсатиладиган биринчи тиббий ёрдам (жароҳатни 20% совунли эритма билан ишлов бериш) ва уларни қутуришга қарши антирабик вакцина, жароҳатнинг жойлашган жойига қараб, кўрсатма бўйича иммуноглобулин билан эмлаш;

- **Даволаш – профилактик иммунизацияси (экспозициядан кейин)** – бу эмлаш одамларни ҳайвонлар томонидан тишланиши, тирналиши, тишининг баданга қадалишидан олган жароҳатлар ва сўлаккланиши натижасида тиббий ёрдамга мурожаат қилган шахсларни қутуришга қарши эмлаш;
- **Профилактик иммунизация (экспозициядан олдин)** – қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш бўлимлари ҳамда ўрмон хўжалиги ишчи-хизматчилари ва овчилар каби, касаллик юқиш хавфи юқори бўлган соҳа мутахассисларини, қутуришга қарши профилактик эмлаш;

- **Эмлашнинг шартли курси** – кўринишидан соғлом («Д» тоифага кирадиган) ҳайвонлар тишлашидан ва бошқа мулоқотлар натижасида жароҳат олган шахсларга қутуришга қарши тайинланадиган эмлаш курси (мурожаат кунига қараб, 1 - 3 та эмлаш тайинланиши);
- **Эмлашнинг шартсиз (тўлиқ) курси** - қутуриш касаллиги лаборатория усулида тасдиқланган («А» тоифадаги), қутуриш касаллигининг клиник белгилари намоён бўлган («В» тоифадаги), қаровсиз бўлган ҳайвонлар, шунингдек, ёввойи («С» тоифадаги) ҳайвонлар томонидан тишланганда ва бошқа мулоқотлар натижасида жабрланган шахсларга тайинланадиган эмлаш курси.

Жароҳат олганларга антирабик ёрдам кўрсатиш

- Жароҳатга бирламчи 20% совунли эритма билан ишлов берилади
- Қутуришга қарши постэкспозицион эмлашни тавсия этиш ва ўтказиш (Даволаш – профилактик эмлан)
- Хавfli жойлардан тишланганларга АИГ + антирабик вакцина тавсия этиш
- Хавфсиз жойлардан тишланганларга фақат антирабик вакцина тавсия этиш

Қутуришга қарши эмлаш қуйидаги ҳолларда **тайинланади:**

- тишланишни барча турлари, тирналиш, терининг ва шиллик қаватининг қутурган ёки қутуришга гумон қилинган ҳайвондан сўлаккланиши, шу жумладан йиртқич қушлардан
- қутурган ва қутуришга гумон қилинган ҳайвонларнинг мияси ва зарарланган сўлаги теккан жисмлардан жароҳат олганда (ҳайвонни гўштини нимталаш, ўлган ҳайвонни ёриш)
- юпқа ёки тўқилган кийим устидан тишланганда, агар мато ҳайвоннинг тишлари билан тешилган ёки йиртилган бўлса

- соғлом ҳайвон томонидан юз, бош, бўйин, панжалардан, кўп жойларидан ва баданнинг бошқа қисмларидан тишлаганда
- тишлаганидан ва бошқа мулоқотлардан сўнг 10 кун мобайнида, тишлаган ҳайвон касал бўлса, ўлса ёки йўқолса
- қутуриш касаллиги билан касалланган одам одамни тишласа, сўлаги соғлом одамнинг жароҳатланган териси ва шиллик қаватларига тушганда

Қутуришга қарши эмлаш қуйидаги ҳолларда **тайинланмайди**:

- кўп қаватли мустаҳкам матодан тайёрланган кийим устидан тишланганда
- паррандалардан (йиртқич қушлардан ташқари) жароҳат олганда
- тишлаганидан ва бошқа мулоқотлардан сўнг 10 кун ўтганидан кейин тишлаган ҳайвон тирик бўлса
- қутуриш касаллигига чалинган бемор билан мулоқотда бўлиб, тери ва шиллик қаватларга сўлак тегмаган ҳолатларда (бемор билан қўл бериб кўришганда, яқин туриб гаплашганда, бирга овқатланганда, беморни кўрганда, иситмасини ўлчаганда, инъекция қилганда)

- тасодифан ҳайвон сути ёки гўштини исътемом қилганда
- судралувчилар (эчки эмар, тимсоҳ ва бошқалар) тишлаганда
- қутурмаган, соғлом одам тишлаганда

- Ўчоқ қайд этилган ҳудуднинг катта – кичиклигига ва аҳоли сонига қараб чора – тадбирларни амалга ошириш учун иш ҳажми ва кўлами белгиланади. Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмасини буйруғи билан ўчоқда чора – тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш учун ишчи гуруҳлари тузилади:
- 1- уйма-уй юриш ишларини ўтказиш гуруҳи.
- 2- эпидемиологик текширув ўтказиш гуруҳи.
- Касаллик ўчоғида иш олиб борган барча гуруҳлар қилинган ишлари юзасидан яқуний маълумотнома тайёрлаб, эпизоотия ва эпидемияга қарши кураш штабига топширади. Штабда бу маълумотлар таҳлил қилиниб, умумийлаштирилган маълумотнома тайёрланади.
- Ўчоқ бўйича 391/ҳ шакли ва унга қўшимча варақа ҳар бир жабрланганга тўлдирилади.

Эпидемияга қарши чора-тадбирлар ўтказиш:

- қутуриш касаллиги бўйича эпидемик ва эпизоотик вазиятни барқарорлигини таъминлаш мақсадида тегишли ташкилот ва корхоналар билан ҳамкорлик қилиш
- ҳайвонлардан жароҳат олганларни юқумли касалликларини қайд этиш журнаliga (060/х шакли) ўз вақтида рўйхатга олиш
- антирабик ёрдамга мурожаат қилганларнинг ҳар бир ҳолати бўйича эпидемиологик текширув ўтказиш, антирабик даво курсларини тўғри тайинлаш мақсадида антирабик ёрдам кўрсатадиган ДПМларга тегишли маълумотлар тақдим этиш

- ҳайвонлар ва одамларда қайд этилган ҳар бир қутуриш касаллиги ҳамда гуруҳли тишланиш ўчоқларида “Зооноз касалликларининг ўчоғида эпизоотологик – эпидемиологик текширув картасини” (391/ҳ шакли) эпидемиологик текширув ўтказиб, тўлдириш
- одамлар ва ҳайвонларда қайд этилган ҳар бир қутуриш касаллиги ўчоғида профилактик ва эпидемияга қарши чора – тадбирларни ташкиллаштириш ва ўтказиш

Қутуриш касаллиги бўйича амалдаги ҳужжатлар

- ЎзРесВазирлар Маҳкамасининг 8.07.11й. «Қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш ва сақлаш билан боғлиқ хизматлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 202-сонли қарори
- УзРесССВ 2011йил 14 июлдаги «Одамларда қутуриш касаллигининг олдини олиш чора – тадбирларини янада такомиллаштириш тўғрисида» 210 – сонли буйруғи
- “Инструкция по применению вакцины антирабической культуральной концентрированной очищенной инактивированной сухой, для приготовления раствора для внутримышечного введения и антирабического иммуноглобулина” Россия Федерациясининг Бош Давлат санитария врачлари томонидан 2009 йил 26 мартда 01-11/34-09 сони билан тасдиқланган
- “Инструкция по применению иммуноглобулина антирабического из сыворотки человека, раствор для инъекций 150 МЕ/мл”, Россия Федерациясининг Бош Давлат санитария врачлари томонидан 2008 йил 17 сентябрда 01-11/37-08 сони билан тасдиқланган

**Эътиборларингиз учун
ташаккур!**